

ЭКОЛОГИК СИЁСАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Аҳмедов Ҳамдам Алиқулович

ТДПУ ижтимоий фанлар кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7148924>

Аннотация. Социал-ахлоқий муносабатлар экологик хавфсизликнинг асосини ташиқ қилади. Инсон ва жамиятни табиат билан боғлаб турувчи меъзон – бу экологик ахлоқ. Ушбу мақолада экологик сиёсатнинг ривожланиш тенденциялари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: муносабатлар, экологик ахлоқ, табиат, жамият, инсон, ижтимоий.

ТЕНДЕНЦИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ

Аннотация. Социально-нравственные отношения составляют основу экологической безопасности. Критерием, связывающим человека и общество с природой, является экологическая этика. В статье отражены тенденции развития экологической политики.

Ключевые слова: отношения, экологическая этика, природа, общество, человек, социальный.

ENVIRONMENTAL POLICY DEVELOPMENT TREND

Abstract. Socio-moral relations form the basis of environmental safety. The criterion linking man and society with nature is ecological ethics. The article reflects the trends in the development of environmental policy.

Keywords: relations, ecological ethics, nature, society, man, social.

КИРИШ

Экологик хавфсизлик сиёсатининг илдиши ижтимоий-ахлоқий муносабатларга бориб тақалади. Бошқача айтганда, экологик ахлоқ "табиат-жамият-инсон" муносабатларини мувофиқлаштирувчи сиёсий муносабатларнинг умумгуманистик характерини белгилайдиган меъзон бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, экологик сиёсатнинг турли йўналишларини ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини жамият маънавияти билан боғлаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, умуминсоний маънавий қадриятларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўналишларидаги ички мутаносиблигини таъминлаш – экологик сиёсат самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инсоният тарихининг нисбатан юқори босқичларида, экологик муносабатлар иқтисодий, сиёсий манфаатларга бўйсундирилиб, меҳнат орқали табиатни мақсадга мувофиқ ўзлаштиришдан иборат жараённинг муҳим омилига айланган. Бунда табиатни муҳофаза қилиш ҳар қандай фаолиятнинг, шу жумладан экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг объекти тарзида қабул қилинган.

Тарихий-ретроспектив асоси ва мазмунига кўра, "экологик хавфсизлик сиёсати" тушунчаси, умуман хавфсизлик сиёсати тушунчасининг таркибига кирса ҳам, ижтимоий фаолиятларнинг ҳар қандай конкрет шаклларида нисбатан кенгрок мазмунга эга. Экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг вужудга келишини ва характерини жамиятнинг экологик вазияти ва маънавий ривожланиш даражаси белгилаб туради. Бироқ, буни мутлақлаштириш ярамайди. Чунки, тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида эҳтиёжларнинг айрим йўналишлари устувор мавқега эга бўлиб, ҳатто сиёсий

муносабатларнинг характерини белгилаб турган. Масалан, собиқ Иттифоқдаги субъективизм, тоталитаризм, волюнтаризм натижаси бўлган ҳалокатли экологик вазият, фақат социалистик ишлаб чиқариш усулининг натижаси бўлмасдан, балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг партократик, бюрократик характердаги тузумнинг ҳам натижаси бўлди. Зеро, ҳар қандай жамиятда ижтимоий сиёсатнинг муайян йўналишлари, ривожланиш даражалари ҳукмрон ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодалаган. Экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсати ҳам бундан истисно эмас.

Муайян ижтимоий-сиёсий фаолият шаклларининг тадқиқот объектига айланиши, уларнинг тарихий ривожланиш босқичларини даврлаштиришни тақозо қилади. Шу жумладан, экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатини ҳам ўзига хос босқичларга ажратиш тадқиқотнинг тарихий ва мантиқий изчиллигини таъминлаш тамойилидан келиб чиқади. Лекин, ҳозирча экологик сиёсатда бу назарий-методологик вазифа тўлиқ ҳал қилинмаган.

Ҳозирги мавжуд адабиётларда экологик сиёсатни туркумлаштириш тамойиллари асосига, инсон ва жамиятнинг табиатга таъсир қилишнинг техник-технологик усули қўйилган. Ваҳоланки, инсоннинг моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ўртасида принципиал фарқ мавжуд. Тўғри, бу тарзда туркумлаштириш ҳам, маълум маънода, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ифодалайди. Бироқ, ҳозирги вақтда, уни конкретлаштириш, унинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш тарихий заруриятга айланмоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Биз экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ривожланиш даражаларини, функционал фаолият доирасини аниқлашда С.Мамашокировнинг қарашларини методологик асос сифатида қабул қилдик.[1] Шу методологик тамойилларга кўра, жамият ва табиат муносабатларини хронологик ҳамда функционал даврлаштириш қуйидаги йўналишларда мавжуд:

1. Аксарият экологлар табиат-инсон муносабатларини ижтимоий-сиёсий жараёнлардан мустақил тушунадилар. Масалан, Р.Парсонс фикрига кўра, инсоннинг табиатга муносабатларини, унинг мувозанат тамойилларига амал қилиш ёки қарши чиқиш фаолиятларига қараб туркумлаштириш мумкин.[2]

2. Экологияга оид адабиётларда жамиятнинг экологик сиёсатини бир-бирдан нисбатан мустақил: а) илмий-техника инқилобига ва унинг бошланиши билан боғлиқ икки йирик даврларга ажратиб ўрганиш таклиф қилинган.

3. В.А.Анучин жамият экологик сиёсатида "табиатга бўйсунмиш" – пассивлик ва "табиат устидан ҳукмронлик" – фаоллик даврлари мавжудлигини кўрсатади, яъни бу босқичлар капитализмга ва капитализм давридаги – стихияли ва ундан кейинги – онгли ривожланиш даражаларига мос келадиган коммунизм (социализм ҳам назарда тутилган) даврларига ажратади. Бу принципга кўра, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакллари экологик сиёсатни белгиловчи асосий мезон ҳисобланади, яъни инсоният тарихининг турли босқичларида таркиб топган "ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг шакли ёки мулк муносабатлари табиатдан фойдаланишнинг бутун ташкилий тизимида белгиловчи омил сифатида намоён бўлади".[3]

Ишлаб чиқариш воситаларига ва табиат бойликларига ижтимоий мулкчилик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг энг олий шакли эмаслигини тарихий

тажрибалар кўрсатиб берди. Бу, айниқса, экологик хавфсизлик сиёсатида яққол кўринади. Хусусан, собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардаги ижтимоий мулкчилик натижаси бўлган иқтисодий ишлаб чиқаришнинг қоқоқ технологияга асосланиши ҳамда қишлоқ хўжалигини ташкил қилишдаги "коммуна" шакли экологик вазиятларни кескинлаштириб юборишга сабаб бўлди.

МУҲОКАМА

Жамиятнинг экологик сиёсий фаолиятини уч даврга ажратишда капитализмгача, капитализм ва социализм босқичлари назарда тутилган бўлиб, бу даврлаштиришнинг асосий мезони, унинг сиёсатлашуви билан боғланган. Данило Ж.Маркович фикрига кўра, «табиат-жамият» муносабатларидаги биринчи даврда – инсон табиатни ўзгартиради ва янги «сунъий табиатни» яратади, лекин табиатга қарам бўлади. Иккинчи даврда – инсон ўзини табиат ҳукмдори ҳисоблаб, ундан чексиз фойдаланиш мумкин, деб билади. Бу давр ўз ичига кейинги уч асрни олади. Учинчиси – ҳозирги давр бўлиб, инсон табиатни шундай ўзгартирадики, натижада бу ўзгариш, нафақат экологик зиддиятларни, балки улар орқали ижтимоий-сиёсий муаммоларни кескинлаштириб, инсониятнинг ҳаётини, цивилизация келажагини сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўяди. Айнан шу тарзда В.А.Кобилянский биринчи даврни – табиатга инсоннинг оддий мослашиши ва унга қарамлиги, "оддий асбоблар ёрдамидаги қўл меҳнати" даврига; иккинчи даврни – ишлаб чиқариш кучларининг нисбатан ривожланиб, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигининг кучайиши, "машиналар ёрдамида ишлаб чиқариш" даврига, учинчи даврни ҳозирги вақтда "ишлаб чиқаришнинг автоматлашиб", табиат ва инсон ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашган даврига ажратади. Экологиянинг иқтисодий муаммолари тадқиқотчиси П.Г.Олдак ҳам шу нуқтаи-назарда тург.

Экологияга оид адабиётларда экологик сиёсатни ижтимоий-иқтисодий формацияларга боғлаб беш босқичга ажратиш нисбатан кенг тарқалган эди. (И.Д.Лаптев, А.М.Галлеев, М.Л.Курок, Ю.Ш.Шодиметов). Экологик сиёсатни формацион таҳлил қилишда, бир томондан, тарихий ҳодисалар тизимли, изчил изоҳланади. Иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг ривожланиш даражалари конкретлаштирилади. Бирок, формацион таҳлилда тарихий ҳодисаларга, шу жумладан, экологик сиёсатга соф иқтисодий детерминизм ва утилитаризм нуқтаи назаридан ёндашиш устувор бўлиб, экология тарихи босқичларининг нисбий мустақиллиги мутлақлаштирилади, табиатни муҳофаза қилишда маънавий омиллар ролига етарли эътибор берилмайди.

Умумлаштириб айтганда, «сиёсий ҳодисаларни, шу жумладан, давлат экологик сиёсатини ижтимоий-сиёсий формацияларга боғлаб таҳлил қилишнинг асосида муайян манфаатларни мутлақлаштириш ётади. Хусусан, экологик сиёсатни синфий партиявий, утилитар манфаатлар билан боғлаш, социалистик ғояларнинг, мафкуравий амалиётнинг «афзалликларини» «исботлаш» заруриятдан келиб чиққан.

Инсоният тарихининг дастлабки босқичида экологик сиёсат примитив, содда характерга эга бўлган. Лекин, ҳар қандай жамиятда экологик хавфсизлик сиёсати "табиат-жамият-инсон" муносабатларини оқилона ташкил қилиш, биосфера мувозанатини сақлаш, гуманизм тамойиллари нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқликни ифодалайди. Умумлаштириб ва конкретлаштириб айтганда, муайян жамиятдаги давлат экологик сиёсатнинг шакли ва мазмуни, бир томондан, унинг тарихий ривожланиш даражаларига

мос бўлиб, ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлган. Иккинчи томондан, жамият ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг зиддиятларини экологик гуманизм тамойиллари асосида ҳал қилишга мос равишда ривожланиб келган.

ХУЛОСА

Инсон дастлаб биоижтимоий мавжудот сифатида бу зиддиятлар ечимини топишнинг оддий меҳнат қуролларидан фойдаланиш босқичини ўз бошидан кечирган. Кейинги давр – табиий энергия манбаларидан фойдаланиш ва уларни сунъий ҳосил қилишга асосланган босқичда давлатнинг экологик сиёсати тарихий зарурият ва эҳтиёж пайдо бўлган. Зеро, инсоннинг табиат устидан "ҳукмронлигини" расмий эътироф этиш экологик муносабатларни ташкил қилишнинг сиёсий усуллари ва воситаларини тақозо қилган. Учинчи давр – илмий-техника инқилобининг электрон ҳисоблаш машиналарни, кибернетика ускуналарни, компьютерларни яратиш билан табиат устидан "ҳукмронлик"нинг «индустриал босим деспотизми» кучайган вазиятда, экологик зиддиятларни фақат сиёсий йўл билан ҳал қилиши аниқ бўлиб қолган. Тўртинчи босқич яъни, ҳозирги даврдаги экологик сиёсатнинг вазифаси – жамиятнинг узлуксиз ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан табиатнинг чегараланган имкониятлари ўртасидаги зиддиятни бартараф этиб, биосфера экологик мувозанатини вужудга келтиришдан иборат. Дарҳақиқат, бу босқичда экологик сиёсатнинг ривожланиш тенденциясида, унинг умумгуманистик моҳияти ўз ифодасини топган.

Экологиянинг социологик муаммолари тадқиқотчиси И.В.Бестужев-Лада, экологик сиёсатнинг ижтимоий макон хусусиятларини урбаноология фани нуқтаи назаридан туркумлаштириб, уларга мос равишда "шаҳар синдроми" ва "қишлоқ синдроми" тушунчаларини фанга киритган. Унинг фикрича, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг шаҳарларда ташкил қилиниш даражаси ва хусусиятлари экологик сиёсатда "шаҳар синдромининг" доминантлигига ва гегемонлигига олиб келган. Экологик сиёсатнинг "ижтимоий макон" хусусиятларини бу тарзда туркумлаштириш методологик жиҳатдан аҳамиятли бўлса ҳам, уларни мутлақлаштириш, бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрин. Чунки, айрим ҳолларда "экологик комфорт"нинг хусусиятларига қараб, бир давлат ички имкониятлари доирасида ёки шу минтақадаги турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамкорлигида бу муаммо ечимини топиши мумкин.

REFERENCES

1. Мамашакиров С. Экологик фаоллик ва маъсулиятнинг шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли. Ф.ф. доц. дисс., -Т.: 1997
2. Парсонс Р.Провера Програма дейвий. Повестка дня на XXI век и другие документи конференции в Рио-де-Жанейро. М, 1993 г
3. Соломина С.Н. Взаимодействие общества и природы: (философские проблемы). -М: Мысль. 1983. с. 161.
4. Анучин В.А. Основы природопользования. Теоретический аспект. -М.: Мысль, 1978. с-59.
5. Расулов Д. Урбанизация ва экологик маданиятни ривожлантириш масалалари. Т 2001 йил. 97 б.